

## БЕШИНЧИ БҮЛİM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**83 «Норматив-хуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқقا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
18 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2290-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й., 12-сон, 333-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда)га асосан **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдағи 264-мҳ-сон «Норматив-хуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2290, 2011 йил 12 деқабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 50-сон, 520-модда)га иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-хуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва хуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу норматив-хуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами — Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

**8 (612)-сон**

**— 11 —**

**83-модда**

5. Мазкур буйрук ижросини назорат қилиш Қонунчилик бош бошқармаси бошлиғи Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 18 февраль,  
38-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
аддия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги  
38-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Норматив-хуқуқий хужжатларни эълон қилиш ва  
тарқатиш, қонун хужжатлари маълумотлари электрон  
базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги  
буйруқقا киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқнинг муқаддимаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й., 12-сон, 333-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон «Қонун хужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва хуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 йил, 8-сон, 47-модда)га мувофиқ буюраман:».

2. Қоидаларда:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й., 12-сон, 333-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон «Қонун хужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва хуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон

Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 йил 8-сон, 47-модда) мувофиқ норматив-хукуқий хужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, шунингдек қонун хужжатлари маълумотлари электрон базалари (қонун хужжатларининг электрон маълумот тизимлари) яратиш тартибини белгилайди.»;

б) 2-банддаги «25-моддасига» деган сўзлар «29-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 3-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

г) қўйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«3<sup>1</sup>. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан таъсис этилган таъсис хужжатларида уларда кўрсатиб ўтилган органлар томонидан қабул қилинган норматив-хукуқий хужжатларни расман эълон қилиш назарда тутилган оммавий ахборот во-ситалари уларнинг расмий нашрлари ҳисобланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-хукуқий хужжатни «Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами»да расман эълон қилингунга қадар ўзларининг расмий нашрларида эълон қилган тақдирда бу ҳақда эълон қилинган кундан кечикмай, расмий нашр рекви-зитларини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига маълум қиласидилар.»;

д) ўзбек тилидаги матнинг 6-банди иккинчи хатбошисидаги «тадрижий» деган сўз «хронологик» деган сўз билан алмаштирилсин;

е) ўзбек тилидаги матнинг 7-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Расмий нашрларда эълон қилинадиган норматив-хукуқий хужжатлар ушбу хужжатни қабул қилган орган томонидан расман юборилган (расмий тарқатма) норматив-хукуқий хужжат матнига мувофиқ бўлиши керак.»;

ж) 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ҳажми катта бўлган норматив-хукуқий хужжатларнинг матни расмий даврий нашрларга киритилмаслиги мумкин. Бунда улар расмий даврий нашрларга илова кўринишида ёки уларни қабул қилган органлар томонидан алоҳида нашр шаклида эълон қилиниши керак.»;

з) 14-банд «норасмий» деган сўздан кейин «босма» деган сўз билан тўлдирилсин;

и) 15-банддаги «21-моддасида» деган сўзлар «25-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 21-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-хукуқий хужжатлар расмий веб-сайтга норматив-хукуқий хужжат расман эълон қилингандан кейин икки кундан кечикмай жойлаштирилиши керак.»;

л) 25-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Ўзбекистон Республикаси ҚҲММБга:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;

Ўзбекистон Республикасининг халкаро шартномалари;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;  
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари;  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва  
фармойишлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;  
идоравий норматив-хукукий хужжатлар;  
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари матнлари киритилади.  
ҚҲММБга судларнинг қарорлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш  
соҳасидаги норматив хужжатлар матнлари ҳам киритилиши мумкин.»;  
м) 28-банддаги «қўлланмаси ва алфавит предметли» деган сўзлар «маъ-  
лумотномаси ва алифбо-предметли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
н) 32-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Агар норматив-хукукий хужжатни расмий нашрларда эълон қилишда  
унинг матнида норматив-хукукий хужжат расмий тарқатмасига таққослаганда  
хатоларга, матбаа хатосига, бошқа ноаниқларга йўл қўйилган тақдирда, улар  
аниқлангандан кейин нашрнинг энг яқиндаги сонида тегишли тузатишлар  
эълон қилинади.

Агар кодекслар ва қонун хужжатлари тўпламларининг расмий нашрла-  
рида норматив-хукукий хужжатлар эълон қилинишининг расмий манбай  
билан таққослаганда хатоларга, матбаа хатоларига, бошқа ноаниқларга  
йўл қўйилган тақдирда ношир томонидан улар аниқланган кундан бошлаб  
30 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда республика даврий нашрла-  
рида (газеталар, журналлар ва шу кабиларда) тегишли тузатишлар эълон  
қилинади.

Агар норасмий нашрларда (газеталар, журналлар ва шу кабиларда) норматив-хукукий хужжатлар эълон қилинишининг расмий манбай билан таққослаганда хатоларга, матбаа хатоларига, бошқа ноаниқларга йўл қўйилган бўлса, ношир томонидан улар аниқланган кундан бошлаб 30 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда республика даврий нашрларида (газеталар, журналлар ва шу кабиларда) ёки норасмий нашрнинг навбатдаги сонини эълон қилишда (чиқаришда) тегишли тузатишлар эълон қилинади.

Агар қонунчилик маълумотлари электрон базаларида норматив-хукукий хужжатлар эълон қилинишининг расмий манбай билан таққослаганда хатоларга, матбаа хатоларига, бошқа ноаниқларга йўл қўйилган тақдирда, улар дархол бартараф этилиши керак.».

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан келишилган.

*Ўзбекистон матбуот ва ахборот  
агентлиги бош директори*

*А. ЮНУСОВ*

2014 йил 17 февраль

Hujjat 2014 yil 24 fevral holatiga

**83-84-моддалар**

**— 14 —**

**8 (612)-сон**

*Алоқа, ахборотлаштириш ва  
телеқоммуникация технологиялари  
давлат құмитаси Раиси*

*Х. МИРЗАХИДОВ*

*2014 йил 17 февраль*